

Намозни тарк қилганнинг насибаси йўқ



08:11 / 26.10.2019 2563

Мисвар ибн Махрама ҳикоя қилади: «Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳуни пичоқлашгач, ҳушларидан кетдилар. Саҳобалар: «У кишини намоздан бошқа нарса билан уйғота олмайсизлар», дейишди. Атрофдагилар: «Эй мўминларнинг амири, намоз ўқиб бўлинди, уйғонинг», дейишлари билан Умар розияллоху анҳу ўзларига келиб, «Ё Аллоҳ! Намоз ўқишим керак, намозни тарк қилган кишининг Исломдан насибаси йўқ», дедилар. Кейин намоз ўқидилар, ҳолбуки, жароҳатларидан шундайгина қон оқиб турарди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан